

Москвада Қуръони карим фестивали бўлиб ўтади



07:30 / 01.03.2019 2634

Фестивал 2019 йил 24 март куни Москвадаги “Катта масжид”да бўлиб ўтади. Тадбир Россия Федерацияси Муслмонлар диний идораси, Россия Муфтийлар кенгаши, Москва Муслмонлар диний бошқармаси ҳамда “Фазлан” продюсерлик маркази, “Актив” кўнгиллилар ҳаракати томонидан ташкил этилмоқда, деб хабар беради muslim.ru сайти.

Тадбир “Катта масжид”даги очиқ эшиклар куни доирасида ўтказилади. Шунинг учун ҳам унга турли дин ва элат вакиллари, этник гуруҳлар ва барча қизиқувчилар таклиф этилади. Ўша куни 3 минг кв.м кенгликдаги майдонда ташкилотчилар томонидан турли семинарлар, танловлар, савол-жавоблар ташкил этилади. Тадбирга “Самфар” ва “Закот” хайрия фондлари ҳомийлик қилмоқда.

